Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 103 (9349). • 1988 йил 27 май • жума • Баҳоси 3 тийин.

### ДЕМОКРАТИЯЛАШ ОРҚАЛИ — СОЦИАЛИЗМНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ САРИ

«Демократиялаш орқали — социализмнинг янги қиёфаси сари» китоби босмадан чиқди.

Бу китобга КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1988 йил 7 май куни КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари, идеология муассасалари ва ижодий союзлар раҳбарлари билан учрашувдаги нутқи, мазкур учрашувга оид бошқа материаллар киритилган. Учрашувда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинган эди.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).

### XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА

### СИБИРЛИКЛАР УЧУН ТОШКЕНТДАН УЙЛАР

**● Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатидан Қутб доираси яқинидаги Нягань шаҳрига йил бошидан бери ўн минг квадрат метрдан зиёд уй-жой жўнатилди. Бу ерда «Узбектюменьжилстрой» махсус поездининг коллективи иккита янги микрорайонни комплекс равишда қурмоқда.**

Бу уйсозлик комбинати икки йилдан бери сибирликларга уйлар жўнатмоқда. Ишлар шимолга мосланган беш қаватли уйлардан бошланганди. Шундан кейин комбинат 9 қаватли уйлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу уйлар иссиқни сақлайдиган полимер наматли уч қаватли панеллардан йиғилмоқда.

Тошкентлик уйсозлар бултур шимолга пландаги 8 минг куб метр ўрнига қарийб 9 минг куб метр темир-бетон плита ортиб жўнатдилар. Шу йил Ғарбий Сибирь нефтчилари ва газчиларига 40 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой юбориш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

# КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига ТЕЗИСЛАРИ

## (КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1988 йил 23 майда маъқуллаган)

Мамлакатимиз тарихий аҳамиятга молик чуқур революцион ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бу ўзгаришларнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми, XXVII съезд партиянинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, совет жамиятини ҳар томонлама янгилаш, социализмни сифат жиҳатдан янги поғонага олиб чиқиш йўлини белгилаб берди. Бу новаторлик стратегияси КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумларида, Октябрнинг 70 йиллиги байрами кунларида, Марказий Комитетнинг шу йил февраль Пленумида чуқурлаштирилди ва конкретлаштирилди. Натижада жамият турмушининг барча соҳаларини қайта қуриш назарияси ва илмий сиёсатига асос солинди.

Қайта қуришнинг мақсади социализмнинг инсонпарварлик табиати ва бунёдкорлик қудратини тўла-тўкис намоён этишдан иборат. Шу мақсадга эришиш демократия ва ошкораликни ривожлантиришдан, халқнинг ўз-ўзини бошқаруви, туб иқтисодийислоҳот, жамиятни маънавий жиҳатдан поклашдан, инсоннинг эркин ва ҳар томонлама камол топиши замиридаги ижодий имкониятларни рўёбга чиқаришдан ажралмасдир.

Қайта қуришнинг дастлабки якунлари нималардан иборат, унинг йўлида турган тўсиқларни олиб ташлаш, революцион янгиланиш жараёнига янги қудратли туртки бериш, уни муқаррар тус олдириш учун нималар қилиш керак? Коммунистларни, барча совет кишиларини ғоят тўлқинлантириб турган мана шу саволларга 1988 йил 28 июнь куни Москвада очиладиган XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси жавоб қайтариши керак.

Конференциянинг кун тартиби: 1) КПСС XXVII съездининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи ярми асосий якунлари ва қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш соҳасида партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида; 2) Партия ва жамият турмушини янада демократиялаш тадбирлари ҳақида.

Конференция муҳокамасига қўйилаётган масалалар партия ва мамлакат учун ҳаётий аҳамиятга эгадир. Қилинган ишларга реалистик баҳо бериш, эришилган натижаларга жиддий танқид ва ўз-ўзини танқид асосидаги таҳлил позицияларидан ёндашиш, қабул этилган қарорлар қандай бажарилаётганини билиб олиш, биринчи галда эътибор берилишини талаб қилаётган масалаларни ўткир қилиб қўйиш, ижобий тажрибани умумлаштириш, олға томон бундан буёнги ҳаракат истиқболини белгилаб олиш лозим бўлади.

Шу масалалар хусусидаги мунозара учун платформа тарзида КПСС Марказий Комитетининг ушбу Тезислари таклиф этилади.

1. Қайта қуриш жамиятда принципиал янги ғоявий-сиёсий вазиятни вужудга келтирди. У реалликка айланди, кучайиб бормоқда, ҳар томонлама кенгайиб, жамият турмушининг барча қатламлари ва соҳаларини қамраб олмоқда. Марказий Комитетнинг 1988 йил февраль Пленуми рўй бераётган жараёнларнинг ғоявий моҳиятини онгдаги революция, мафкуравий янгиланиш деб таърифлаб берди. Фикрларнинг амалдаги хилма-хиллиги вужудга келаётганлиги, ғоялар ва манфаатларнинг ошкора таққосланиши — давримизнинг ўзига хос белгисидир. Шу туфайли совет кишилари ўзларининг интеллектуал ва маънавий имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш, ижтимоий турмушга активроқ қўшилиш имконига эга бўлмоқдалар.

Қайта қуриш платформасида ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, барча социал кучларнинг сиёсий жипслашуви рўй бермоқда. Совет кишилари ўз меҳнати ва ижтимоий фаоллиги билан мамлакатдаги революцион ўзгартишларни тобора амалий равишда қўллаб-қувватламоқдалар. Ҳозир бу — ижтимоий тараққиётдаги бош тенденциядир, қайта қуриш биринчи босқичининг энг муҳим якунидир.

Шу билан бирга қайта қуриш жараёни зиддиятли тарзда, қийинчиликларни бартараф этиш, янгиликнинг эскилик билан кураши орқали содир бўлмоқда. Қолоқ, бюрократик онг сарқитлари, айниқса, яшовчан экани маълум бўлиб қолди. Социализм тўғрисидаги догматик тасаввурларнинг тарафдорлари ўз позицияларидан секинлик билан воз кечмоқдалар. Экономикага ва турмушнинг бошқа соҳаларига раҳбарлик қилишнинг тазйиқ ўтказишдан иборат эски усулларини сақлаб қолишга уринишлар бўлмоқда.

Мана шу салбий ҳодисаларни бартараф этмай туриб, муваффақиятли равишда илгари силжиб бўлмайди, қайта қуришнинг кенг миқёсли вазифаларини ҳал этиш мумкин эмас. Ғоявий-сиёсий ишнинг назарий савиясини кўтариш, социализмнинг энг муҳим масалалари хусусидаги ижодий мунозараларни чуқурлаштириш зарур. КПСС Марказий Комитети фикрлар хилма-хиллигини қўллаб-қувватлаш билан бирга мунозаралар социализм заминидагина ва социализм манфаатлари йўлидагина самарали бўлишини таъкидлайди. Мунозаралар сиёсий мухолифликка, социал кучларнинг парокандалашувига олиб бормаслиги керак, бу эса бутун жамиятимиз учун энг зарур вазифаларнинг ҳал этилишини чигаллаштирган бўлур эди.

Тарихнинг кўпгина ўткир масалаларига ҳам шу гап тааллуқлидир, кейинги вақтларда бу масалаларга қизиқиш ғоят кучайди. Партия рўй-ростлик ва ошкоралик, ўтмишимиз ва ҳозирги кунимиз муаммоларини эркин муҳокама қилиш сиёсатини изчиллик билан ўтказаверади, чунки фақат шундай сиёсатгина совет жамиятининг маънавий соғломлашувига, унинг инсонпарварлик табиатига ёт бўлган ҳамма иллатлардан халос бўлишига кўмаклашади.

Социализмнинг мақсадлари ва қадриятлари тўғрисидаги масалагина эмас, шу билан бирга шу мақсадларга эришиш воситалари, уларга эришиш йўлида қанча инсоний куч-ғайрат сарфланиши тўғрисидаги масала ҳам биз учун асло бефарқ эмас. Ўтмишда асоссиз сиёсий айбловлар, бедодликлар қурбони бўлган кишиларнинг шон-шарафини тиклаш — бизнинг партиявий ва гражданлик бурчимиздир.

Бизга партияда ва жамиятда фикрларни таққослаш, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг доимий ҳаракатлантирувчи механизми керак. Ошкоралик сиёсатининг шак-шубҳасиз ғалабалари мустаҳкамланиши ва кўпайтирилиши лозим. Мамлакатимизда тарихан вужудга келиб қарор топган, ҳозир демократиялаш жараёнлари билан узвий равишда бирга кўшилаётган бир партияли система шароитида бу ҳаётий аҳамиятга молик масаладир. Бу ўринда ленинча ёндашув жуда муҳим. В. И. Ленин фракциячиликни қоралаш билан бирга партиядаги ўртоқларни у ёки бу масалаларда бошқача фикрда бўлганликлари учун таъқиб этишга қатъиян қарши бўлган эди. Доимий, амалий сиёсий мулоқот, мунозара маданияти, ички ва ташқи сиёсат масалалари хусусида кенг хабардорлик, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва эътиборга олиш партия турмушининг ажралмас белгилари бўлиб қолиши керак.

2. Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан кейин иқтисодий ва социал тараққиёт муаммолари партия фаолиятида жуда муҳим ўрин олиб келди.

Турғунлик йиллари мамлакатни иқтисодий кризис ёқасига келтириб қўйганлиги маълум. Хўжалик юритишнинг экстенсив, аслида чиқимдорлик системасининг умри бутунлай тугади. Хўжалик структураси, техникавий даражаси ҳозирги талабларга мос келмай қолди. Бошқарувнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари ғоят жиддий тўсиққа айланди. Ишлаб чиқаришни, унинг самарадорлигини ўстириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш тўхтаб қолди. Кўпгина социал масалалар эътибордан четда қолди. Мамлакатнинг молиявий хўжалиги анчагина издан чиқди, кадрларнинг масъулияти ва меҳнат интизоми бўшашиб кетди.

Партия олдида мамлакатни турғунлик ҳолатидан чиқариб олиш, иқтисодий вазиятни соғломлаштириш, халқ манфаатларини кўзлаб ривожланиш йўлини ўзгартириш, жаҳон фан-техника тараққиёти ва иқтисодий ривожланишнинг олдинги марраларига жадал чиқиб олишни таъминлаш учун узоқ муддатли характерга эга бўлган тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, амалга оширишдан иборат мураккаб вазифа пайдо бўлди.

Биринчи қадам сифатида халқ хўжалигида энг оддий тартиб ўрнатиш ва интизомни мустаҳкамлаш, кадрларга талабчанликни ошириш, одамларнинг бемалол ишлашига ҳалақит бераётган бюрократик усулларнинг чидаб бўлмайдиган кўринишларини тугатиш соҳасида катта иш авж олдириб юборилди.

Фан-техника тараққиётини ривожлантиришни, бутун экономиканинг техникавий даражасини ошириш негизи бўлмиш машинасозликни модернизациялашни кўзлаб, янги структуравий сиёсатни амалга оширишга киришилди. Иқтисодий ва ташкилий соҳада маҳсулот сифатини оширишга кўмаклашадиган аниқ-равшан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Социал соҳани ривожлантиришга маблағ ажратишнинг ўтмишда қўллаб келинган «қолдиқ принципи»га қарама-қарши ўлароқ уй-жой қурилишига ва соғлиқни сақлашга, халқ маорифини ривожлантиришга ва маданиятнинг моддий базасини мустаҳкамлашга, бошқа социал мақсадларга маблағ ажратиш кўпайтирилди.

Раҳбарликнинг асосан маъмурий усулларидан иқтисодий усулларига ўтишни, коллективлар ва айрим ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини оширишни таъминлайдиган туб ислоҳотни ишлаб чиқиб, амалда татбиқ этишга зўр куч-ғайрат сарфланди. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги, кооперация, якка тартибдаги меҳнат фаолияти ҳақидаги Қонунларнинг қабул қилиниши бу йўлдаги катта босқичлар бўлди. Мамлакатда корхоналарни хўжалик ҳисобига, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор усулларига, ўзини-ўзи бошқарувга ўтказиш соҳасидаги кенг миқёсли иш авж олдириб юборилди. Бу усуллар меҳнат коллективларининг ташаббусини, одамларнинг омилкорлигини қулф урдиради, энг кўп самарадорлик билан ишлашга ундайди, ҳамма шакллардаги текисчиликни таг-томири билан йўқотишга кўмаклашади, демократиялаш жараёни учун моддий пойдевор яратади.

Партия пудратнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш, мавжуд хўжаликлар доирасида ҳам, шунингдек, бошқа корхоналар ва экономика тармоқларининг ўзаро алоқасида ҳам кооперативларнинг кенг тармоғини вужудга келтириш орқали колхоз ва совхозларнинг имкониятларини ҳар томонлама рўёбга чиқариш йўлини тутди.

Икки-уч йил туб иқтисодий ўзгартишлар учун етарли муддат эмас, албатта. Биз туб иқтисодий ўзгартишларнинг бошланғич босқичида, ўзига хос ўтиш даврида турибмиз. Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун ҳамда хўжалик ислоҳотига тааллуқли бўлган бошқа қарорлар шу йилдангина амал қила бошлади, аммо улар ҳам ҳали тўла куч билан ишлаётгани йўқ, чунки улар беш йилликнинг ўрталарида, эскирган нархлар шароитида, ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдоси йўлга қўйилмаган бир пайтда, тақчиллик тугатилмаган шароитда жорий этилди. Фан-техника тараққиёти соҳасида ишлаб чиқилган ва кучга киритилган энг катта программалар дарҳол самара бера олмайди.

Мана шуларга қарамай ижобий силжишлар рўй бермоқда. Энг муҳими шуки, кризисли вазиятга айланиб кетиш хавфи бўлган салбий ҳодисаларнинг кучайишини тўхтатишга, бу тенденцияларни енгишга, бундан буён муттасил олға силжиш учун муайян шарт-шароитни яратишга муваффақ бўлинди.

Гап саноат маҳсулотини кўпайтириш суръатлари оширилганлиги, асосий фондларни ишга тушириш кўпайтирилганлиги ва бошқа миқдор кўрсаткичлари яхшиланганлиги ҳақидагина бораётгани йўқ. Мана шу кўрсаткичларга бирмунча соғлом иқтисодий негизда эришилганлиги муҳимдир. Ўтган йили илк бор миллий даромадни ўстиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Замонавий техника ва технология намуналарини яратишда дастлабки умидбахш натижалар пайдо бўлди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш бирмунча кўпайди.

Социал соҳада ҳам вазият ўзгарди. Кейинги икки йил ичида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи қарийб 6 процент, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи эса 8,9 процент ошди. Ҳар йили фойдаланишга топширилган уй-жой ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан 15 миллион квадрат метр миқдорида кўпайди. Ўлим камайди ва туғилиш кўпайди, алкоголизмга ва ичкиликбозликка қарши чора-тадбирлар бунга кўп жиҳатдан кўмаклашди.

Ижобий натижалар яққол кўриниб турибди, аммо улар мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётида туб бурилиш бўлганлиги ҳақида гапириш учун асос бермайди. Очиқ-ойдин чиқимдорлик характеридаги экономиканинг «чигаллашиб кетган» структураси ҳозирча сақланиб турибди. Миллий даромадни кўпайтириш, ресурсларни тежаш юзасидан берилган топшириқлар бажарилмаяпти. Машинасозлик режалаштирилганидан кўра сустроқ ривожланмоқда. Электрон саноатининг юқори сифатли маҳсулотлари, янги конструкцион материаллар ҳали ҳам етишмаяпти.

Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни илдам ривожлантиришга оид топшириқларнинг барбод этилишига, айниқса, тоқат қилиб бўлмайди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдаги қийинчиликлар бартараф этилгани йўқ. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш, товар оборотини ўстириш топшириқлари бажарилмади. Товар-пул мувозанатининг бузилиши, давлат бюджетидаги камомад жорий ишлаб чиқаришга ва ислоҳот боришининг ўзига салбий таъсир қилмоқда.

Ислоҳот ўтказила бошлаши билан вужудга келган имкониятлардан мутлақо етарли фойдаланилмаяпти. Конференцияда бунинг сабабларини чуқур ўрганиш лозим. Хўжалик юритишнинг бир системасидан иккинчисига ўтиш нақадар қийин бўлмасин, хўжалик ходимларимиз ва бутун-бутун коллективларимиз бир қисмининг эскича, қолоқ фикрлаши, одатдаги усул ва услубларга ёпишиб олишга, эскичасига яшаш ва ишлашга интилиши замирида кўпгина иллатлар яшириниб ётибди.

Бир қанча министрликлар ва идоралар, хўжалик органларининг бюрократик позицияси иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш соҳасидаги чора-тадбирларни кўп жиҳатдан бўғиб қўяётганлиги кўриниб турибди. Кўп ҳолларда давлат буюртмаси, иқтисодий нормативлар ва бошқарувнинг бошқа янги усуллари ниқоби остида аслида эски маъмуриятчилик тазйиқи сақланиб қолмоқда. Тармоқ министрликлари даражасидаги қайта қуриш корхоналардаги қайта қуришдан яққол орқада қолмоқда. Шу муносабат билан иқтисодий ислоҳотнинг моҳиятини бузадиган, корхона тўғрисидаги Қонунга бевосита ёки бавосита путур етказадиган хатти-ҳаракатларни муросасизлик билан қоралаш керак.

Турмуш монополизмга, турғунликка ва консерватизмга қарши ўткир чора сифатида иқтисодий мусобақалашувни ривожлантириш каби жиддий масалани ҳам ўртага қўймоқда.

СССР Госплани, СССР Госснаби, СССР Молия министрлиги, Иттифоқ тармоқ министрликлари ва идоралари, республикалар хўжалик органларининг, корхона ва ташкилотларнинг фаолияти ҳозирги аҳволни эътиборга олиб таҳлил этилиши ҳамда баҳоланиши керак. Барча тармоқларнинг корхоналари хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказилиши муносабати билан бу нарса, айниқса, муҳимдир. Қайта қуришнинг дастлабки босқичидан сабоқ чиқариб, иқтисодий ислоҳот принципларини тўла-тўкис амалга оширишни ҳал этувчи муаммоларни тезроқ ечиш зарур. Ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосига ўтиш жадаллаштирилсин, кредит-молия системасини такомиллаштириш чоралари амалга оширилсин, нарх-наво ва нарх белгилашнинг ислоҳоти пухта тайёрланиб, ўз вақтида ўтказилсин. Шундай қилмай туриб корхоналарнинг ҳақиқий тўла хўжалик ҳисобини, меҳнат коллективларининг чинакам мустақиллигини жорий этиб, кооперация ҳаракатини ривожлантириб, экономиканинг самарадорлигини ошириб ва пировард натижада, халқ фаровонлигини ўстириб бўлмайди. Шу билан бирга чакана нархларни қайта кўриб чиқиш аҳолининг турмуш даражасига зарар етказмайдиган тарзда амалга оширилиши кераклигини таъкидлаш лозим.

Кучли социал сиёсат — партия фаолиятидаги асосий устун соҳалардан биридир. Шу боисдан ҳам ўн учинчи беш йиллик планини ишлаб чиқиш чоғида иқтисодий тараққиётнинг социал йўналиши диққат марказига қўйилиши керак. Совет кишиларининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини имкони борича қисқа муддатда қондириш биринчи ўринга қўйилиши лозим. Бозорни зарур турдаги ва юқори сифатли халқ истеъмоли моллари билан тўла-тўкис таъминлаш, замонавий хизмат соҳасини вужудга келтириш масалалари шу вазифа билан ёнма-ён туриши керак. Уй-жой қурилиши суръатларини янада оширишни кўзда тутиш, соғлиқни сақлашни ва халқ маорифини яхшилашнинг қабул этилган программалари рўёбга чиқишини таъминлаш зарур.

Табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги куч-ғайратларни ошириш, мамлакатдаги экологик вазиятни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Ишлаб чиқариш характеридаги вазифалар орасида, КПСС XXVII съезди қарор қилганидек, машинасозлик, электроника, приборсозлик ва станоксозликнинг база тармоқларини жадал ривожлантириш программаси биринчи ўринда турибди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва капитал маблағ сарфлаш соҳасидаги структуравий сиёсатни тубдан ўзгартиришга келгуси йилдан бошлабоқ янада қатъият билан киришиш, айни вақтда жуда қаттиқ иқтисод қилиш ва ресурс тежаш йўлини, албатта, турмушга татбиқ этиш зарур.

Ўн иккинчи беш йиллик планида белгиланган марраларга эришиш, умуман экономикамизни ва социал соҳани сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш реаллиги шу билан тасдиқланадики, мамлакатда ҳозирнинг ўзидаёқ хўжалик юритишнинг янги шароитида меҳнат унумдорлигини анча оширишга, маҳсулот сифатининг жаҳон даражасига чиқиб олишига муваффақ бўлган неча юзлаб ва минглаб меҳнат коллективлари ишлаб турибди. Бизда барча кўрсаткичлар бўйича белгиланган маромда ишлаётган айрим корхона ва бирлашмалар эмас, бутун-бутун тармоқлар ҳам бор. Хўжаликни яхшироқ юритиш асосида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, унинг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш соҳасида мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан юқорироқ даражага эришган областлар ва республикалар бор. Илғорларнинг намунасига эргашиш, уларнинг тажрибасидан фойдаланиш, тайёрга айёрлик кайфиятига барҳам бериш, ўз ташаббусини кўрсатиш — хўжалик кадрларининг, барча меҳнат коллективларининг энг муҳим вазифасидир.

3. Қайта қуриш илм-фанни, маорифни ва маданиятни ривожлантириш замиридаги интеллектуал, маънавий имкониятларни ҳар томонлама ривожлантиришни ва улардан энг кўп даражада фойдаланишни назарда тутади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва аввало, унинг авангард технологияларини — микроэлектроника, робот техникаси, приборсозлик, информатика, биотехнологияни ривожлантириш билан, хусусиятлари олдиндан белгилаб қўйилган материалларни вужудга келтириш ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган замонавий босқични эгаллаш партия иқтисодий ва социал стратегиясининг негизидир.

Фан ва техникани ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар бошланди, маҳсулотнинг техникавий савиясига талабчанлик ошди, янги илғор маҳсулотларни ўзлаштириш муддатлари қисқарди. Фан-техника ташкилотлари тармоғи тобора эпчиллик билан ишлай бошлади, принципиал янги структуравий ташкилотлар — тармоқлараро фан-техника комплекслари, инженерлик марказлари, муайян вазифаларни ҳал этадиган мувақкат коллективлар пайдо бўлди. Мамлакатда 500 дан ортиқ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилади. Илм-фаннинг тажриба-экспериментал базасини мустаҳкамлашга капитал маблағ сарфлаш кўпайди. Илмий ташкилотларнинг хўжалик муносабатлари системасига узвий равишда қўшила бошлаганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга фан-техника тараққиётида муҳим ўзгаришлар рўй бермади. Меҳнат коллективларининг манфаатларини шу муҳим ишга монанд ҳолга келтиришнинг самарали механизмлари ҳозирча топилгани йўқ. Илм-фаннинг моддий базаси ҳамон орқада қолмоқда. Кўпгина раҳбарлар бу масалаларда батамом юқори органларга кўз тутиб, фақат шу куннинг манфаатлари билан яшаш одатидан халос бўлганлари йўқ.

Хўжалик механизмини қайта қуриш фан-техника тараққиётига таъсир ўтказишнинг бош йўлидир. Айни шу механизм ишлаб чиқаришни узлуксиз такомиллаштиришга, маҳсулот сифатини жаҳондаги ҳозирги даражада сақлаб туришга руҳлантириши керак.

Ҳаёт фан-техника тараққиётини бошқаришни такомиллаштириш, идора тўсиқларини бартараф этиш соҳасида қатъийроқ чоралар кўришни талаб қилмоқда. Тегишли министрликларнинг бевосита бошқарувидан чиқарилган тармоқлараро бирлашмалар янги ташкилий формалардан биридир. Шу туфайли илмий тадқиқотлар — техника ва технология — инвестиция — ишлаб чиқариш — реализация — хизмат кўрсатишдан иборат циклни ўзаро боғлиқ тарзда амалга ошириш имконияти ҳам туғилади. Меҳнат коллективлари сансалорликсиз ва идоралар билан келишишларсиз ускуналар ва технологияни тезроқ янгилай оладилар.

Фан-техника тараққиёти проблемаларини социал тараққиётнинг умумий оқимида кўриб чиқиш лозим. Кенг кўламдаги лойиҳалар социал экспертизасининг ўтказилмаслиги экологияга ва инсонга катта зарар келтириши мумкин. Бундай лойиҳаларни ниҳоятда камайтириш, балки тамомила истисно қилиш зарур.

Ҳозирги босқичда жамият олдига қўйилган янги вазифалар қайта қуришнинг барча жараёнларида илм-фан ролини анча оширади. Жамият шундай маррага келдики, энди табииёт, техника ва жамиятшунослик фанларининг барча соҳаларида жиддий ёриб ўтиш талаб қилинади. СССР Фанлар академияси бу ишга тобора кўпроқ ҳисса қўшиши лозим.

Эндиликда социализм фан-техника тараққиётига таянмаган ҳолда муваффақиятли ривожлана олмайди. Ўз навбатида бу тараққиёт социализм билан бирлашиб, жамиятни социал янгилашнинг, унинг олға ҳаракатининг қудратли омилига айланади.

Сиёсатимизнинг инсонпарварлик принциплари жамият маънавий тараққиётини, халқ маорифи ва маданиятини юксалтиришни таъминлашга қаратилгандир. Ўтган уч йил ичида маориф турли босқичлари ва даражаларини ривожлантиришга жиддий эътибор берилди. Халқ таълими системасини қайта қуриш масалалари КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленумида кўриб чиқилди. Бизнинг олий ва ўрта мактабимиз кўп жиҳатдан турмуш, фан-техника тараққиёти ва маданий ривожланиш талабларидан орқада қолди. Уни ривожлантиришда сифат ўзгаришларини таъминлаш учун бутун жамият зўр бериб куч-ғайрат сарфлаши керак бўлади.

Қайта қуриш жараёнида совет маданиятини ривожлантириш, одамларни интеллектуал ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, талант ва истеъдодларини аниқлаш, шахснинг гражданлик фазилатларини тарбиялаш учун тобора қулай шароитлар яратилмоқда. Зиёлилар бу вазифаларни ҳал этишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Илгаридан ишлаб келаётган ва янгидан тузилган бирлашмалар ва ижодий союзларнинг иши анча жонланди. Мамлакат тақдири учун санъаткорнинг масъулияти ҳақидаги масала алоҳида куч билан ўртага қўйилаётир.

(Давоми иккинчи бетда).

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТЕЗИСЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

4. КПССнинг қайта қуришга, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган йўли бошиданоқ совет жамиятини демократиялаш билан, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини қарор топтириш билан боғланди. Бу жиҳатдан рўй берган ўзгаришлар бебаҳодир. Ҳаққонийлик, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ривожланиши туфайли мамлакат сиёсий ҳаётининг умумий томир уриши кескин яхшиланди, ишлаб чиқаришни бошқаришда демократик жараёнлар ривожланиб бораётир, эскирган структураларга ва турғунлик ҳолатларига ҳужум бошланди. Аммо шу пайтгача қилинган ишлар — партия ва жамиятни чуқур ва ҳар томонлама демократиялашдан иборат ғоят катта аҳамиятга эга бўлган мураккаб вазифаларни ҳал этиш бўсағаси, холос.

Уч йил ичида экономика, социал соҳа ва маданият борасида эришилган ютуқларнинг объектив таҳлили, қайта қуриш жараёнида вужудга келган проблемаларнинг идрок этилиши совет жамиятининг сиёсий системасини ислоҳ қилиш зарурлиги ҳақидаги хулосага олиб келди. Бу ислоҳотнинг мақсади — кенг меҳнаткашлар оммасини барча давлат ва жамоат ишларини бошқаришга реал жалб этишдан, социалистик ҳуқуқий давлат шаклланишини тугаллашдан иборат.

Бунда Октябрь революцияси туфайли вужудга келган социалистик давлатчиликнинг асосий принципларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақида гап бормоқда. Бу принциплар ва, аввало, коммунистлар партияси пешқадамлик қилаётган халқ ҳокимияти Ватанимизнинг социал тараққиёт йўлидан бундан буёнги ривожланишининг зарур шартидир. Қайта қуриш натижасида совет жамиятининг сиёсий системаси шахсга сиғиниш оқибатлари, бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмурий методлари, бюрократизм, меҳнаткашларнинг ҳокимиятдан четлаштирилиши, партия ва давлат турмуши ленинча нормаларидан чекиниш билан боғлиқ барча иллатлардан холи қилиниши керак. Бу система ички ва халқаро ҳаётнинг ўзгариб турувчи шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида янгиланишга қобилиятли ва жўшқин бўлиши керак.

5. Қайта қуриш муносабати билан совет жамиятида раҳбар ва ташкилотчи куч бўлган КПССнинг роли янгича намоён бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитети партия ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг сиёсий авангарди эканлиги ҳақидаги ленинча концепцияга асосланмоқда. Партия марксизм-ленинизм таълимотига асосланиб, ижтимоий тараққиёт назарияси ва стратегиясини, ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиши, социалистик янгиланиш идеологиясини шакллантириши, омма орасида сиёсий ва ташкилотчилик ишларини, кадрларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ишларини олиб бориши зарур.

В. И. Ленин ҳаёт пайтида ва унинг раҳбарлигида партия худди шу тарзда иш олиб борган эди. Аммо унинг вафотидан кейин ленинча принциплардан чекиниш бошланди, партия учун анъана бўлган мунозаралар эркинлиги тугатилди, коллегиаллик ва партия ички демократияси бузила бошлади. Бундай ярамас практика турғунлик йилларида ҳам муайян даражада сақланиб қолди. Сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаш соҳасида чеклашларнинг йўқлиги кадрларнинг янгиланишидан иборат табиий жараённинг бузилишига олиб келди, раҳбар ходимларнинг бир қисми ўз лавозимларини умр бўйи берилган, деб била бошлади, ўзларини нуқсонсиз деб ҳисоблашга ўрганиб қолди, ҳокимиятни суиистеъмол қилди, оддий партия аъзоларига, меҳнаткашларга эътиборсизлик билан қаради.

Вужудга келган вазият КПСС Марказий Комитети, ҳукумат, жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятига, коммунистлар активлигига оғир таъсир кўрсатди. Партия органлари Совет ва бошқа давлат органлари ўрнига хўжалик ва маъмурий бошқариш соҳасидаги жорий масалаларни бевосита ҳал этишни тобора кўпроқ ўз зиммаларига ола бошладилар. Бу эса партиянинг асосий функцияларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатди, унинг сиёсий ва ғоявий таъсири заифлашувига олиб келди, ижтимоий тараққиётнинг кўпгина проблемаларини жиддийлаштирди.

Партия вужудга келган аҳволга мардонавор ва ўз-ўзини танқид руҳида баҳо бериш учун ўзида куч топа олди. Партия қайта қуришни бошлаб, қадам-бақадам ўзини қайта қурмоқда. Партия ички турмушини янгиламоқда. Бундан буён жамиятга партиявий раҳбарлик ленинча принциплари бузилиши имкониятларини истисно қиладиган сиёсий механизмлар ва гарантияларни яратиш — кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

КПСС Марказий Комитети партия йиғилишларида, меҳнат коллективларида ва матбуотда билдирилган фикрларни ҳисобга олиб, конференцияда қуйидаги таклифларни кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Демократик централизм принципи ҳақидаги ленинча тушунчани тўла қайта тиклаш зарур. Бу принципга биноан масалалар муҳокама қилинаётган босқичда мунозаралар эркинлиги ва кўпчилик томонидан қарор қабул қилинганидан кейин ҳаракатлар бирлиги таъминланиши лозим.

Партиянинг давлат билан муносабатларида уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб олишдан иборат ленинча принципларга асосланиш керак. Барча партия ташкилотлари СССР Конституцияси ва совет қонунлари доирасида ҳаракат қилишлари шарт. Давлат, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларига бевосита кўрсатма баён қилинадиган қарорларнинг партия комитетлари томонидан қабул қилиниши истисно этилиши лозим. КПСС ўз сиёсий йўлини давлат ҳокимияти органларида, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ишлаётган коммунистлар орқали ўтказади.

КПССнинг сиёсий авангард сифатидаги вазифаларидан ва жамиятда рўй бераётган чуқур ўзгаришлардан келиб чиқиб, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жиддий равишда қайта қуриш керак. Улар ҳар бир коллективнинг сиёсий ўзаги бўлиб қолган ҳолда давлат корхоналари тўғрисидаги, кооперация тўғрисидаги Қонунларда, бошқа Қонун актларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда меҳнат коллективлари ва уларнинг органлари ўрнини босмасликлари лозим. Партия ташкилотлари, аввало, коммунистлар орқали ҳаракат қилиб ва одамлар билан иш олиб бориб, ҳар бир коллектив ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўла-тўкис бажаришига, ўз демократик ҳуқуқларини амалга оширишига эришишлари зарур.

Партия йиғилишлари, партия комитетлари, ҳар бир коммунистнинг партия қарорларини амалга оширишдаги роли ана шу нуқтаи назардан қайта идрок этилиши лозим. Ошкоралик, мунозаралар, танқид ва ўз-ўзини танқид, партиявий биродарлик ва интизом, коллективизм ва шахсий масъулият вазияти тўла-тўкис қайта тикланиши зарур. Партия ташкилотлари турмушидаги жараёнлар ҳозир худди ана шу йўналишда бораётир. Уларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш керак.

Партия сафларининг сифат составини, коммунистларнинг ўз авангардлик ролларини бажаришлари ҳақидаги масалалар партияда ва жамиятда кенг муҳокама қилинаётир. Шу муносабат билан партия сафлари ўсишини «разнарядка» йўли билан тартибга солиб туриш практикаси партиянинг ўзини ва бутун жамиятни ривожлантиришнинг реал талабларига зид келаётир, деган фикр айтилмоқда.

Ҳамманинг фикрича, партия сафига кираётганларга талабчанликни кескин ошириб, унинг сафларига юксак сиёсий, маънавий ва ишчанлик фазилатларига эга бўлган ҳақиқатан ҳам муносиб кишилар, партиянинг программавий мақсадлари учун эътиқодли курашчилар киришларига эришиш керак. Партияга қабул вақтида меҳнат коллективининг фикрини, албатта, ҳисобга олиш даркор.

Конференцияда КПССнинг навбатдаги съездигача қолган даврда партиянинг ўзини-ўзи тозалаш ва мустаҳкамлашидаги самарали восита сифатида коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестациясини ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги масала кўриб чиқилади. Партия ташкилотларининг очиқ йиғилишларида коммунистлар ишининг муҳокама қилиниши уларнинг активлигини, ўз коллективлари жамоатчилик ҳаётига, қайта қуриш ишига шахсий ҳиссаларини оширишга хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумидан кейин тўпланган тажриба асосида партиянинг сайлаб қўйиладиган органларини шакллантириш тартибига ўзгартишлар киритиш керак бўлади. Чинакам беллашув, номзодларнинг кенг муҳокама қилиниши ва яширин овоз беришни нормага айлантириш зарур. Бунда ходимнинг эгаллаб турган лавозими эмас, балки ғоявий, ахлоқий ва ишчанлик фазилатлари, унинг сиёсий обрўси, қайта қуриш учун курашдаги актив позицияси эътибор марказига қўйилиши керак. Коммунистлар барча партия комитетларини сайлаш вақтида мавжуд мандатларга қараганда кўпроқ номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Партия комитетлари аъзолари ва секретарлари номзодларини кўрсатиш, муҳокама қилиш ва сайлашнинг бундай тартибини район ва шаҳар партия комитетларидан то иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва КПСС Марказий Комитетигача бўлган барча партия органларини шакллантириш жараёнига ҳам ёйиш мумкин бўлур эди.

Район ва шаҳар комитетларидан бошлаб барча партия комитетлари учун ваколатларнинг бир хил муддати — беш йил қилиб тайинлансин. Бунда КПССдаги сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаш кетма-кет иккита сайлов муддати билан чекланиб қўйилиши лозим. Сурункасига учинчи муддатга коммунистлар ташаббуси билангина сайланиши мумкин ва бу нарса сайловга қўйиш ҳақида олдиндан қарор қабул қилишни талаб этади. Бундай қарор яширин овоз бериш тартибида партия комитетлари аъзоларининг камида тўртдан уч қисмининг овози билан қабул қилинади.

Партиянинг сиёсий авангард сифатида қарор топишида КПСС Марказий Комитети зиммасига алоҳида масъулият юклатилади. У партия сиёсий йўлининг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар Марказий Комитетнинг барча аъзолари иштирокида ва кенг муҳокама асосида ҳал этиладиган бўлиши учун ўз ишида коллегиаллик принципларини бутун чоралар билан ривожлантириши ва мустаҳкамлаши лозим. Конференцияда Марказий Комитет аъзоларининг Пленумлар ўртасидаги даврдаги коллегиал ишининг янги формалари ҳақида киритилиши мумкин бўлган таклифларни кўриб чиқиш керак бўлади. Буларнинг ҳаммаси оқибат натижада партия Марказий Комитетининг роли оширилишига қаратилиши керак.

Янги кучлар доимо қўшилиб туришини таъминлаш учун съездлар ўртасидаги даврда Марказий Комитет составини қисман янгилаш имкониятини кўзда тутиш лозим. Бу хусусдаги қарорлар яширин овоз бериш йўли билан белгилаб қўйилган муайян кўпчилик томонидан қабул қилиниши керак.

Партиянинг сиёсий авангард сифатидаги ролини ошириш, партия комитетлари ва давлат, хўжалик органлари вазифаларини аниқ белгилаб қўйишни ҳисобга олган ҳолда партия аппарати структураси ва составида зарур ўзгаришлар қилиш керак. Аппаратнинг сайлаб қўйиладиган партия органларига қатъиян бўйсуниши ва ҳисобот бериб туришидан иборат принцип амалга оширилиши, бюрократизмга ва коммунистик такаббурликка, партия турмушининг ўринсиз сир сақланишига қарши кескин кураш олиб бориш лозим.

Демократиялаш шароитида партиянинг кадрлар сиёсати жиддий равишда янгиланиши зарур. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга расмий-номенклатура нуқтаи назаридан ёндашиш практикасининг умри тугаб бормоқда. Партия комитетлари ишининг асоси, методи — кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишдан, уларни тарбиялаш ва раҳбарлик лавозимларига коммунистларни ҳам, партиясизларни ҳам тавсия этишдан иборат бўлиши керак. Кадрлар масаласининг узил-кесил ҳал этилиши сайлов натижаларига кўра белгиланиши лозим.

Конференцияда партиядаги контрол-ревизия ишини такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозир КПСС Марказий Ревизия комиссияси ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети ишлаб турибди. Бундан буён битта органга эга бўлиш ва бу орган партия съезди томонидан сайланиб, коммунистларнинг партия интизоми, КПСС Устави талабларига қандай риоя қилаётганликларини, партия органларининг молия-хўжалик фаолиятини контрол қилиб турсин, деган таклиф киритилмоқда.

Бу барча таклифларнинг мақсади партия ички турмуши демократик принципларига изчиллик билан риоя қилиш, партиянинг жанговарлигини ва унинг совет жамиятини революцион янгилаш жараёнига бошчилик қилиш, қайта қуришни жўш урдириб туриш қобилиятини оширишдан иборат бўлиб қолиши керак.

6. Жамиятимиз ва давлатни демократиялашнинг бош йўналиши — халқ ваколатининг тўла ҳуқуқли органлари бўлган халқ депутатлари Советлари роли ва ваколатларини тўла ҳажмда қайта тиклашдан иборат.

В. И. Ленин Россиядаги революциялар тажрибасида вужудга келган Советларни социализм табиатига мос келадиган сиёсий форма сифатида кашф қилган эди. Советлар айни вақтда ҳокимиятнинг ваколатли органлари ва аҳолининг оммавий ташкилотлари бўлиб, давлатчиликни ва ўз-ўзини бошқариш асосларини узвий равишда мужассамлаштирадилар. Улар ғоят катта демократик потенциалга эга бўлиб, ўзларининг ҳаётий қобилиятларини намойиш қилдилар ва Ленин кашфиётининг ҳақ эканлигини тасдиқладилар.

Шу билан бирга биз Советлар фаолиятида жиддий камчиликларни, уларнинг ишидан меҳнаткашлар қаноатланмаётганликларини кўриб турибмиз. Маълум бузилишлар натижасида ваколатли органларнинг ҳуқуқлари ва ваколатлари чекланиб қўйилди, партия органлари томонидан уларнинг майда-чуйда ишларга ҳадеб аралашаверишларидан иборат практика сақланиб қолмоқда. Министрликлар ва идоралар кўп ҳолларда хўжалик ва социал ривожланиш масалаларини уларни четлаб ўтган ҳолда ҳал этмоқдалар. Ижроия комитетлари ва уларнинг аппарати кўпинча Советларнинг функцияларини ўз қўлларига тўплаб олиб, депутатлар ҳиссасига амалда олдиндан ҳал этилган масалаларга розилик билдириш вазифасинигина қолдирмоқдалар. Бундай аҳволни тубдан ўзгартириш, Советларга реал ҳокимият ваколатларини қайтариш, давлат, хўжалик ва социал-маданий турмушнинг беистисно барча конкрет масалаларини кўриб чиқиш ва ҳал этишни улар ихтиёрига топшириш зарур.

Маҳаллий Советларнинг материал, молиявий имкониятларини жиддий равишда кенгайтириш лозим. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари узоқ муддатли нормативлар асосида шаклланишини таъминлаш ва бунда қуйи Советлар бюджетига аввало тегишли территорияда жойлашган корхоналар ва хўжалик ташкилотларидан тушумларни кенгайтиришни кўзда тутиш лозим. Корхоналар ва ташкилотлар қайси идорага бўйсунишларидан қатъи назар, улар билан ўзаро муносабатларнинг хўжалик ҳисоби, шартнома ва бошқа методлардан кенг фойдаланган ҳолда территорияларни ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органларининг тўла масъулияти ва мустақиллиги ўрнатилиши зарур. Қуйи маҳаллий Советлар компетенциясига таллуқли масалаларни ҳал этишда юқори ҳокимият органлари ва бошқармаларнинг аралашувига, шунингдек кўпдан-кўп кераксиз мувофиқлаштиришларга қатъият билан чек қўйилиши лозим.

Маҳаллий Советларнинг меҳнат коллективлари кенгашлари билан муносабатларини тўғри йўлга қўйиш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда шунга асосланиш керакки, халқ депутатлари Совети корхоналар, колхозлар, совхозлар социал ривожланиш планларини ишлаб чиқиш ва бажарилишининг, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг демократик негизларини чуқурлаштиришнинг мувофиқлаштирувчи органи, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, ортиқча «идора зўравонлигидан» аҳоли манфаатларининг ҳимоячиси бўлиб чиқиши керак.

Советлар вазифаларининг ўзгартирилиши, масалаларни пухтароқ ва билимдонлик билан кўриб чиқиш зарурати уларнинг сессиялари давом этадиган муддатни узайтиришни талаб қилади. Депутатларнинг бир қисми Советларда, доимий комиссияларда ва сайлов округларида иш олиб бориш учун сайлаб қўйиладиган бутун давр мобайнида ёки вақти-вақти билан хизмат ва ишлаб чиқариш вазифаларидан озод қилиниши лозимлиги, деб кўзда тутилсин.

Советлар фаолиятининг ошкоралиги ва очиқ олиб борилиши мумкин қадар кенгайтирилсин. Уларнинг мажлисларида гражданлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бемалол қатнаша оладиган бўлишлари, иш натижаларидан эса сайловчилар, аҳоли мунтазам равишда хабардор қилиб турилиши керак.

Советларнинг ижроия органларига нисбатан чинакам устунлиги қарор топтирилсин. Советга ҳисобот берувчи бошқарув органларининг ходимлари айни вақтда Советнинг депутатлари бўлиши мумкин эмас, деб белгилаб қўйилсин. Бу қоида республикалар Министрлар Советларининг составига кирувчи шахсларга ва айрим ҳолларда Иттифоқ ҳукумати аъзоларига, шунингдек судьялар, давлат арбитрлари ва прокурорларга ҳам тегишли бўлади. Советлар бошқариш органларининг мансабдор шахсларини одатда доимий комиссияларнинг тегишли хулосаларидан кейингина тайинлайдилар.

Маҳаллий Советларда (қишлоқ ва посёлка Советлари бундан мустасно) Советларнинг президиумларини тузиш кўзда тутилсин. Бу президиумлар депутатлар фаолиятини ташкил этиш ҳақида ғамхўрлик қилишни, доимий комиссиялар ва депутатлар группалари ишини мувофиқлаштириб туришни, сессиялар ўртасидаги даврда эса ижроия комитетлар ишини контрол қилишни ўз зиммасига олган бўлур эди. Бунда ижроия комитетларнинг функцияларини хўжалик-бошқарув, ижроия фаолиятига қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Депутатлар ишида давомийлик ва натижадорлик яхшироқ бўлишини таъминлаш мақсадида мамлакатдаги халқ депутатлари барча Советлари ваколатлари учун бир хил муддат — беш йил белгилансин.

Пастдан юқоригача бўлган бутун ҳокимиятни тўлалигича Советларга топшириш мамлакат олий ҳокимият органи ролини тубдан оширишни ҳам тақозо қилади. Унинг структураси ва фаолиятида совет сиёсий системасининг, шу жумладан Советларнинг съездлари ва СССР Марказий Ижроия комитетининг В. И. Ленин ҳаёт вақтида таркиб топган иш практикаси соҳасида тўпланган тажриба тўла-тўкис ҳисобга олиниши керак. Бунда турли вариантлар ва таклифлар бўлиши мумкин. Уларнинг бир қисми: олий ҳокимият органи сессиялари иши давом этадиган кунларни кўпайтириш тўғрисида; палаталар ваколатларининг аниқ тақсимланиши ва улар вазифаларининг аралашиб кетишини бартараф этиш ҳақида; депутатларнинг бир қисмини жамиятимиз сиёсий системасига кирувчи жамоат ташкилотларидан бевосита сайлаш ҳақидаги ва шу сингари фикрлар ҳозир олиб борилаётган мунозара жараёнидаёқ айтилди.

Бирор шахс сайлаб қўйиладиган давлат лавозимини сурункасига икки муддатдан, яъни ўн йилдан кўпроқ вақт давомида эгаллай олмайди, деган қоиданинг жорий этилиши давлат ҳаёти ленинча принципларининг бузилишига қарши жиддий гаров бўлади. Сурункасига учинчи муддатга депутатлар ташаббуси билангина сайлаш мумкин ва бу нарса сайловга қўйиш ҳақида олдиндан қарор қабул қилинишини талаб этади. Бундай қарор яширин овоз бериш йўли билан Совет депутатларининг камида тўртдан уч қисми томонидан қабул қилинади.

Бир гражданнинг ўзи айни вақтда иккитадан ортиқ Советнинг депутати бўла олмаслиги ҳақидаги СССР Конституциясининг қоидаси қатъият билан бажарилиши керак.

Советлар ролини кескин ошириш зарурати ҳисобга олган ҳолда сайлов системасини ислоҳ қилиш керак бўлади. Бу ислоҳотнинг мақсади — депутатликка номзодларнинг эркин кўрсатилишини таъминлаш, уларнинг меҳнаткашлар йиғилишларида, оммавий ахборот воситалари орқали кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинишидир.

Сайловлар принципиал, ишни биладиган, ғайратли кишиларни, Совет ҳокимияти органларида меҳнаткашларнинг муносиб вакили бўла оладиган, уларнинг барча социал, миллий ва профессионал манфаатларини ифодалай оладиган кишиларни афзал кўрувчи сайловчилар иродасини изҳор қилишнинг табиий натижаси бўлиши керак.

Янги шароитда ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, мамлакатни бошқаришда, иқтисодий, социал ва маданий тараққиёт планлари ва истиқбол программаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат ҳокимиятининг олий ижрочи-идора этувчи органи сифатида Совет ҳукуматининг роли ортиб бораверади.

Конференцияда жамиятимизда амалга оширилаётган демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳотни ҳисобга олиб, давлат бошқаруви системасини қайта қуришга етарли эътибор бериш керак. Барча ташкилотлар ва муассасалар самарали ишлаши учун иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиб бериш давлат органлари фаолиятининг асосий мазмуни бўлиши лозим. Аппарат структурасини ва унинг сонини ана шу вазифаларга мувофиқлаштириб, ортиқча бўғинларни тугатиш зарур. Буйруқбозлик-тазйиқ ўтказиш методларини, бюрократизмни, сансалорликни таг-томири билан тугатиш мақсадида бошқарув органлари фаолиятини қаттиқ контрол қилиб бориш керак. Бошқарув аппарати ишидаги кенг ошкоралик, рўй-ростлик ҳам ана шу мақсадга хизмат қилиши лозим.

Совет жамиятини қайта қуриш ва демократиялаш шароитида контролни ташкил этишнинг ленинча ғояларини тўла-тўкис мужассамлаштириш, контролга таъсирчан тус бериш, уни ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, жамият барча табақалари намояндаларининг давлат ва жамоат ишларини ҳал қилишда тўғридан-тўғри ва бевосита иштирокининг қуролига айлантириш зарур.

Шу муносабат билан жамоат-давлат контролининг сайлаб қўйиладиган ҳокимият органларига бўйсунувчи ягона системасини барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ташкилот меҳнат коллективлари ва территория бирликларидаги ўз группаларига таяниб, ҳозир халқимиз олдида турган вазифаларнинг бажарилишига катта ҳисса қўшган бўлур эди.

7. Сиёсий системани қайта қуриш доирасида совет федерациясини янада ривожлантиришнинг долзарб тадбирларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш лозим бўлади. Октябрь революциясидан кейинги 70 йил ичида ленинча миллий сиёсатни ўтказишнинг буюк натижалари ҳаммага маълум. Миллатлараро адоватни бартараф этиш, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қарор топтириш, миллий маданиятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш, илгари қолоқ бўлган миллий чекка ўлкаларнинг тараққиётини жадаллаштириш юзасидан тарихий аҳамиятга молик жуда катта иш қилинди. Совет халқлари бирлигининг моддий пойдевори — яхлит халқ хўжалик комплекси вужудга келди ва муваффақиятли ишламоқда.

Шу билан бирга ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, миллий муносабат масалаларига, ҳар бир миллат ва элатни ривожлантиришга доимий эътибор бериш талаб қилинади. Барча миллатларнинг эҳтиёжларини қондиришни уларни бир-бирига яқинлаштириш ва ўзаро ёрдами билан қўшиб олиб борувчи сиёсий йўл, миллатчилик ва шовинизмга зид бўлган интернационал идеология ана шу масалаларни ҳал этиш учун негиздир.

Ҳозирги вақтда барча совет республикалари ва автономияларининг иқтисодий, маданий потенциали ва кадрлар потенциали беқиёс кўпайди, миллий онг қонуний равишда ўсиб бормоқда. Иттифоқдош ва автоном республикалар, бошқа миллий округлар ва областлар мустақиллигини уларнинг умумиттифоқ давлат манфаатларига риоя этилиши учун масъулияти билан узвий равишда қўшиш — миллатларни янада камол топтириш ва айни пайтда улар ўртасидаги дўстликни, совет жамиятининг жипслигини мустаҳкамлашнинг калитидир. Бизнинг кучимиз ва умуман мамлакат, хусусан ҳар бир миллат ва элат гуллаб-яшнашининг гарови ана шундадир.

Децентрализациялаш ва бошқарув вазифаларининг кўпини мумкин қадар тўлароқ равишда жойлардаги ташкилотларга бериш миллий давлатимиз ва автономиянинг барча шаклларига ҳам тааллуқлидир. Бу соҳада иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар ҳуқуқларини гарантиялайдиган СССР Конституцияси ва совет қонунлари қоидаларининг оғишмай бажарилиши талаб қилинади. Амалий жиҳатдан эса сиёсий системанинг миллий эҳтиёжларини аниқлаб, уларни мувофиқлаштирувчи муассасаларини активлаштириш зарурати бор.

Ўзларининг давлатларига ва территориал бўлинмаларига эга бўлмаган миллатлар ва элатлар ўз эҳтиёжларини ифодалаш ва қондириш учун катта имкониятларга эга бўлишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим.

КПСС Марказий Комитети миллатлараро муносабатларда пайдо бўладиган муаммолар қайта қуриш давомида чинакам демократик асосда ҳал қилиниши лозим, деб ҳисоблайди. Барча миллат коммунистлари ҳамиша мамлакатимиз халқлари буюк социалистик иттифоқининг жон-дили, уни мустаҳкамловчи куч бўлиб келдилар. Бу юксак ва масъулиятли вазифани улар бундан буён ҳам амалга оширишга даъват этилганлар.

8. Совет жамиятини изчил демократиялаш жараёни ташкилот ва социализмга, социалистик демократияга тўла-тўкис мос келадиган сиёсий ҳокимиятнинг фаолият формаси сифатида социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этишни ниҳоясига етказиши лозим. Унинг асосий белгиси — халқ иродасини ифодаловчи Қонуннинг устун туриши ва тантана қилишидир. Давлат, партия органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, барча мансабдор шахслар ва гражданлар қатъий ҳуқуқий негизда иш олиб боришлари керак.

Умумхалқ давлатимиз тавсифини «ҳуқуқий» тушунчаси билан тўлдирар эканмиз, яна бир бор таъкидлаш керакки, фақат гражданлар давлат олдида масъул бўлиб қолмай, давлат ҳам гражданлар олдида масъулдир. Давлат совет кишиларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари гарантияларини мустаҳкамлаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиши керак. Бу гап социал ҳуқуқларни (меҳнат қилиш, дам олиш, билим олиш, саломатликни сақлаш, социал таъминот ва бошқа ҳуқуқларни) янада кенгайтириш ва бойитишга оиддир. Советлар мамлакати дунёда биринчи бўлиб ана шундай социал ҳуқуқларни таъминлади. Бу гап конституцион эркинликлар (сўз, матбуот, йиғилишлар, митинглар ўтказиш, кўчаларда юришлар қилиш ва намойишлар ўтказиш эркинлиги, виждон эркинлиги ва бошқалар) амалга оширилиши учун моддий ва маънавий шароитлар яратишга тааллуқлидир. Бу гап гражданларнинг шахсий ҳуқуқлари (шахснинг, уй-жойнинг дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали гаплашувлар сир сақланиши ва бошқалар) гарантиясини мустаҳкамлашга тааллуқлидир.

Ана шу барча йўналишларда олға томон ҳаракат қилиб, социалистик жамият табиати замиридаги имкониятларни рўёбга чиқариш ҳамда социалистик тузумга ёт авторитар бошқариш методларининг, давлат ҳаётининг ленинча принципларидан чекинишнинг оқибати бўлган бузилишлар ва айнишларни қатъият билан тугатиш зарур.

Шу мақсадда қонунчиликни мустаҳкамлаши, давлат ҳаётининг демократик принципларини, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиши лозим бўлган барча органлар ишини тубдан яхшилашга қаратилган катта ҳуқуқий ислоҳотни амалга оширишимиз лозим. Одил судловнинг ролини тубдан ошириш, судловнинг демократик асосларига қатъий риоя қилиш, томонларнинг мусобақалашуви ва тенглиги, ошкоралик, айби исботланмаган кишиларнинг айбдор эмаслиги — ҳуқуқий ислоҳотнинг биринчи навбатда амалга ошириладиган тадбирларидандир. Суд энг муҳим ишларни кўриб чиқиш чоғида халқ маслаҳатчилари сонини кўпайтириш ҳақидаги таклиф диққатга сазовордир.

Прокуратура иши янги режимга ўтказилиши керак — у ленинча тушунчаларга мувофиқ қонунлар бир хил қўлланилиши устидан самарали назоратни таъминлаши, совет граждани ҳуқуқлари ва манфаатларини қатъий ҳимоя қилиши, давлат ва жамоат интизомига риоя қилинишини назорат қилиб бориши керак. Судьялар, прокурорлар, терговчилар ўз фаолиятларида ҳар қандай тазйиқ ва аралашувлардан холи бўлишларига эришмоқ лозим. Улар қонунга ва фақат қонунга бўйсунишлари керак.

Жиноятчиликка ва жамоат тартибини бузишга қарши курашда милициянинг масъулиятини қатъият билан ошириш, Давлат арбитражи имкониятларини кенгайтириш ва адвокатура фаоллигини кучайтириш қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Халқ хўжалигида ҳуқуқий хизмат, юридик умумтаълимни ва аҳолини тарбиялашни ташкил этиш анча ривожлантиришга муҳтождир.

Совет қонунларини такомиллаштириш ва кодексини тузиш юзасидан катта иш қилиш керак бўлади. Бир томондан, эскириб қолган қонунларни ҳамда иқтисодий ва сиёсий системани ислоҳ қилиш талабларига зид бўлган, тўсқинлик қилиш механизмининг бир қисмига айланиб қолган жуда кўп идоравий инструкцияларни бекор қилиш зарур бўлса, иккинчи томондан, жамиятнинг эҳтиёжларига, меҳнаткашлар, уларнинг ташкилотлари ва коллективлари манфаатларига мос келадиган янги қонунлар комплексини яратиш зарур. Қонунларни янгилаш чоғида Қонун тақиқламаган ҳамма ишга рухсат этилган, деган принципга қатъий амал қилиш керак.

9. Социализмнинг сиёсий системаси мамлакат аҳолисининг турли социал, профессионал группалари ва турли ёшдаги группалари манфаатларини ифодалайдиган ва амалга оширадиган жамоат ташкилотларининг кенг тармоғига таянмай туриб тўла куч билан фаолият кўрсата олмайди.

Касаба союзлари, комсомол, кооперация, бошқа жамоат ташкилотлари, илмий уюшмалар ва ижодий союзлар қайта қуришнинг барча жараёнларида фаол иштирок этишлари, ўз аҳволи ва ролини қайтадан идроклаб, ўз ишларини қайта қуришлари, янги шароитда ўз имкониятларини тўлароқ намоён этишлари керак.

Қайта қуриш давомида янги бирлашмалар — хотин-қизлар ва ветеранлар бирлашмалари, совет маданият фонди ва болалар фонди, жуда кўп жамоат ташаббускор органлари пайдо бўлди. Бу органлар меҳнаткашларнинг ватанпарварлик туйғулари, уларнинг жамиятни революцион ўзгартириш ишига бевосита ҳисса қўшиш муддаолари, Ватанимиз ва жаҳон маданияти қадриятларидан баҳраманд этиш имкониятларини кенгайтириш, халқимиз турмушини яхшилашга кўмаклашиш, табиатни ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш муддаолари туфайли вужудга келди.

Шу билан бир вақтда жамоат ташкилотлари фаолиятида расмиятчилик ва бюрократизм ҳали узил-кесил тугатилмаганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Уларнинг мустақиллигини чеклаб қўйишга, уларга буйруқ беришга уриниш ҳоллари бўляпти. Ташаббускорлик асосларини ривожлантиришга путур етказилиб, жамоат ташкилотларини давлатлаштиришга йўл қўйилмоқда, уларнинг аппарати штатларини ҳаддан ташқари кенгайтириб юбориш йўли давом этмоқда.

Мустақиллик, меҳнаткашларнинг ижодий иштирок этиши, ташаббускорлик ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш — жамоат ташкилотларини такомиллаштиришнинг асосий йўли мана шулардан иборат. Жамоат ташкилотлари ичида демократияни ривожлантириш билан бир қаторда сиёсий жараёнларда уларнинг ролини ошириш чораларини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Улар Қонун қабул қилиш ташаббускори бўлиш, ҳокимият органларида ўз вакилларига эга бўлиш, социал программаларни амалга оширишда, уй-жой қурилиши ва соғлиқни сақлаш, меҳнат, социал таъминот, ўқиш, дам олиш, ободончилик, савдо, маиший турмуш муаммолари ва бошқа муаммоларни ҳал этишда давлат шериги бўлиш ҳуқуқларидан реал фойдаланишлари лозим.

Жамоат ташкилотлари, кўнгилли жамиятлар ва ташаббускор бирлашмалар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яқин вақт ичида белгилаш зарурати вужудга келмоқда. Бунда фақат битта сиёсий мезон бор — Конституция доирасида амалга ошириладиган ва Совет социалистик жамиятини ривожлантириш манфаатларига зид келмайдиган ҳар қандай ижтимоий фаолият тан олишга лойиқдир.

10. СССРдаги қайта қуриш жаҳон аҳамиятига молик омил бўлиб қолди. Қайта қуриш дунёга ижобий таъсир ўтказадиган ички кучга эга бўлишига қарамай, унинг инсонпарварлик моҳиятини айнан ифодалайдиган сиёсий кучга муҳтож эди, халқаро алоқаларимизни демократиялашни, жаҳон меҳнат тақсимотида мамлакатимиз бошқача мавқе тутишини талаб қиларди.

Ўтмишни танқидий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ақидапарастлик, субъектив ёндашиш ташқи сиёсатимизга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Ташқи сиёсатнинг дунёдаги асосий ўзгаришлардан орқада қолишига йўл қўйилди, кескинликни камайтириш ва халқлар ўртасида кўпроқ ҳамжиҳатликка эришиш учун янги имкониятлардан тўла фойдаланилмади. Ҳарбий-стратегик мувозанатга эришишга ҳаракат қилиниб, ўтмишда давлат хавфсизлигини сиёсий воситалар билан таъминлаш имкониятларидан ҳамиша ҳам фойдаланмадик. Бунинг натижасида биз қуролланиш пойгасига жалб этилишимизга йўл қўйилди, бу эса мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётига ва унинг халқаро мавқеига таъсир қилмай қолмади.

Тарихан умри тугаган ақидалардан халос этилган, илмий жиҳатдан изчил янги тафаккур ташқи сиёсатга асос қилиб олинди. Бу ҳозирги дунёнинг реалликларини — хилма-хиллигини, зиддиятлилигини, унда инсониятнинг ўзи омон қолиши учун улкан хавф борлигини, шу билан бирга тинч-тотув яшаш, ҳамкорлик қилиш, ўткир муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал этишнинг улкан имкониятлари борлигини акс эттирди.

Янги сиёсий тафаккур ташвишга тушган дунёни лол қолдирувчи бир қанча катта ғояларни олға суриш имконини берди. 2000 йилгача ядро қуролини босқичма-босқич тугатиш программаси, кенг қамровли хавфсизлик системаси, ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлиги, манфаатларнинг мутаносиблиги, «Умумевропа хонадони», Осиё—Тинч океани регионида муносабатларни қайта қуриш, мудофаа билан чекланиш ва мудофаа доктринаси, халқаро иқтисодий хавфсизлик, қурол-яроғларни камайтириш йўлида миллий ва регионал хавфсизликни мустаҳкамлаш, бошқалар территорияларидаги чет эл қўшинлари ва базаларини ўзаро камайтиришга тайёрлик, ишонч чоралари, фан нуфузини жаҳон сиёсатига бевосита жалб қилиш мақсадлари ана шу ғояларнинг энг асосийларидандир.

(Давоми учинчи бетда).

